

**“БОЙЛИК” КОНЦЕПТИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАДҚИҚИ (ЎЗБЕК,
РУС ВА ИНГЛИЗ ТИЛИ МАТЕРИАЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ КОНЦЕПТА
«БОГАТСТВО». (НА ПРИМЕРЕ МАТЕРИАЛОВ НА УЗБЕКСКОМ,
РУССКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ)**

**LINGUOCULTUROLOGICAL STUDY OF THE CONCEPT “WEALTH”.
(BASED ON THE EXAMPLE OF MATERIALS IN UZBEK, RUSSIAN AND
ENGLISH)**

Мухторова Барно Алишеровна

1-босқич таянч докторанти, Фарғона давлат университети

barnomukhtorova@gmail.com

Аннотация: мазкур мақолада “бойлик” концептининг ўзбек, рус ҳамда инглиз маданияти вакилларининг бойликка нисбатан муносабати, баён қилинган фикрларининг ифодаланиши мақоллар мисолида кўриб чиқилди.

Калит сўзлар: концепт, бойлик, мақол, маданият

Аннотация: в данной статье на примере пословиц рассмотрено отношение представителей узбекской, русской и английской культур к богатству, и их выраженных мнений о понятии «богатство».

Ключевые слова: концепт, богатство, пословица, культура.

Annotation: this article discusses the concept “wealth” in three different cultures such as Uzbek, Russian and English comparing it in proverbs.

Key words: concept, wealth, proverb, culture.

Концепт универсал табиатга эга ментал тузилма бўлиб, у турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар кванти ёки умумлашмасидир. Концептлар инсон онгида шаклланадиган турли категорияларнинг асосини ташкил қилади, улар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Мазкур мақолада ўзбек, рус ҳамда инглиз маданиятидаги мавжуд “бойлик” концептига бўлган

миллатнинг муносабати, тажриба ва фикр-мулоҳазалари турли тизимли тиллардаги мақоллар ёрдамида таҳлил қилиниб, мисоллар келтирилади.

“Бойлик” концепти кўп манбаларда яхшилик тимсоли сифатида қаралади, яъники моддий ҳамда маънавий жиҳатдан ҳам сифатланиб, моддий бойлик, маънавий бойлик каби сўз бирикмаларда қўлланилади. Ушбу концепт ўзбек, рус ва инглиз маданиятида ҳам мавжуд бўлиб, уларни мақоллар мисолида кўриб чиқамиз. Лекин “бойлик” концепти рус маданиятида кўп мисолларда салбий маъно (салбий коннатиция) кашф этади. В.И.Даля ўзининг «Пословицы и поговорки русского народа» номли рисоласида ушбу мисолларни келтиради: *Богатством ума не купишь* [2, с.33], *богатство – грязь, ум – золото* [2, с.33], *богатый на деньги, а бедный на выдумки* [2, с.33]. Келтирилган мисолларни таҳлил қиладиган бўлсак, мисоллардаги “бойлик” инсоннинг ақл-заковатидан кейинги ўринлардаги тушунчалар қаторига киритилмоқда, яъни бойлик лой, кир, бойликнинг ақл-заковатни сотиб олиб бўлмайдиган кучга эмаслигини кўрсатилган. Шундай рус мақоллар борки, уларда бойлик бахтсизлик тимсоли сифатида гавдаланади, яъни бой инсонни ҳамиша касалликлар ва омадсизликлар қувиб юради каби тушунчалар касб этади. Мисол учун, *богат – да крив, беден – да прям* [6, с.24] ; *богатство да калечество – то же убожество* [6, с.25]; *богатство и спокойство редко живут вместе* [6, с.25]. Бундан ташқари рус мақолларида бойликка диний томондан ҳам қаралиб, жаҳаннамга кирувчи тоифа инсонлар- бойлар, чунки улар қалби йўқ, бемехр инсонлар сифатида инсон онгида гавдаланади. Масалан, *богатому душа дешевле гроша* [2, с.32]; *богатому и в пекле хорошо* [2, с.33]; *богатому и черт ребенка качает* [2, с.33]; *богат, да не Богу брат* [2, с.32] Богатство от смерти не избавит [2, с.32] (6) ; *с богатством в рай не войдешь* [2, с.32]; *в богатстве сыто брюхо, голодна душа* [2, с.33]; *богатым в рай не взойдешь* [1]. Рус тилида шундай мақоллар учрайдики, бойлик бор жойда доим ғам-ғусса бор, яъни бойлик ўзи ҳамиша бахтсизлик сабабчисидир. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, *богатство рождается в людских слезах и горе* [2, с.32]; рус

мақолларда бойлик бу бахиллик, хассислик билан чамбарчас боғлиқдир, *богатый скорее удавится, чем с добром расстанется* [2, с.34]; *богатого зимой снегу не допросишься* [2, с.34]; *богатство и скупость неразлучны* [6, с.25]; *богатому жаль корабля, а бедному – кошелья* [2, с.33]. Баъзи рус мақолларида бойлик тушунчаси ҳақида салбий маъно мавжудлигини гувоҳи бўламиз, яъни бойлик билан дўстлик каби икки ҳил тушунчалар бир нуқтада кесишмайди: *богатому ни правды, ни дружбы не знавать* [6, с.24]; *богатство добыть – и братство забыть* [6, с.24]; *в богатстве не ищи братства* [2, с.32]; *богатый бедному не брат* [2, с.32]. Қуйида келтириладиган мақол эса, “ бойлик” концептини, инсон ўзини ундан олиб қочиш кераклигини кўрсатувчи тушунча сифатида кўрсатиб беради: *не жили богато, нечего и начинать* [2, с.34]; инглиз маданиятида ҳам бойлик тушунчаси ҳам салбий ҳам ижобий маънолар касб этади: *a rich man’s joke is always funny.* (тар. бойнинг ҳазиллари доим кулгилидир [1, с.11,]); *very man has his price.* (тар. ҳар кимнинг ўз баҳоси бор); *he who pays the piper, calls the tune.* (тар. куй талайдиган тўлайди); *money makes the mare go.* (пул бўлса чангалда шўрва); *money opens all doors.* (тар. пул ҳамма эшик (кулф) ни очади); *one law for the rich, and another for the poor.* (тар. бойлар учун бир қонун, камбағаллар учун бошқа қонун); *a golden key opens every door* (олтин калит ҳамма эшикни очади). Инглиз тилида шундай мақоллар борки, бойликнинг йўқлиги- бу ёмон. Шундай кичик бир хулосага келиш мумкинки, инглиз маданиятида бойлик шундай муҳим роль ўйнайдикки, ҳаётдаги кадрли тушунчаларни четга суриб қўйишга олиб келади. Фикримизни асослаш учун қуйидаги мисолларга мурожаат қилсак, *a light purse makes a heavy heart.* (тар. енгил ҳамён юракка оғир ботар); *bare walls make giddy housewives.* (тар. яланғоч деворлар уй бекаларини ақлдан оздирар); *empty stalls make biting horses* (тар. бўш отхоналарда отлар қутурар). Кейинги инглиз мақолларда бойлик куч, инсон бойлик билан мансаб, амалга эга бўлиб, ҳамма муаммоларни ҳамда қийинчиликларни очиш қудратига эга бўлган бой инсон сифатида гавдаланади: *money is a power.* (тар. пул қудратли); *a thief passes for a gentleman when stealing*

has made him rich. (тар.ўғри бой бўлса, аслзодага айланади.); *beggars cannot be choosers.* (тар. камбағаллар танлаш ҳуқуқига эмас); инглиз тилида бойлик салбий тушунчасини ифодаловчи мақоллар кўп эмас, лекин улар мавжуд. Бойлик ёмонликдир каби тушунчани берувчи мақолларни кўриб чиқсак, *money is the root of evil* (тар. пул ёмонликнинг илдизи); *gold is but muck* (тар. бахт пулда эмас); *poverty breeds strife* (қашшоқлик уруш-жанжални келтиради); *wealth like want ruins many* (тар.бойлик эҳтиёж сифатида кўпчиликни қақшатади); *a great fortune is a great slavery* (тар. улкан/катта бойлик катта куллик); *a great dowry is a bed full of brambles* (тар.катта/кўп сеп тикан тўла ётоқ кабидир). Пул, бойлик, давлат мавжудлиги бахт, муҳаббат ва соғликнинг йўқ бўлишига сабабчи каби тушунчаларни ифодаловчи инглиз мақолларни ҳам кўриб чиқсак: *when poverty comes in the door love flies out at the window* (тар. қашшоқлик эшикдан кирса, севги деразадан учиб чиқиб кетади; *much gold, much care* (тар. бойлик қанча кўп бўлса, шунча кўп масъулият бўлади; *when riches increase, the body decreases.*(тар. бойлик кўпайган сари, тана қисқаради. Инглиз ҳамда рус маданиятининг бойлик тушунчасига нисбатан умумий жиҳати шундан иборатки, ҳар иккала маданият вакиллари номоддий бойликнинг қиймати баландроқдир. Мисол учун, *a good name is better than riches* (рус тилидаги таржимада: доброе имя лучше богатства)(ўзб.тар. яхши ном бойликдан афзалдир); *he is rich enough who has true friends* (рус тар.богат тот у кого есть верные друзья; ўзб.тар. ким бой, ҳақиқий дўстлари кўп бойдир; *wit is better than wealth.* (рус тар.здоровье важнее богатства; ўзб.тар. соғлик туман бойлик); *wealth is nothing without health* (рус тар. богатство ничто без здоровья; ўзб.тар.,бойлик соғликнинг олдида қадрсиздир); *better be born lucky than rich.*(рус тар.лучше родиться удачливым, чем богатым;ўзб.тар. бой бўлиб туғилгандан кўра, омадли бўлиб туғилган афзал). Кўп инглиз мақолларида бойликка эгалик масъулиятни ҳам юклайди, бу каби тушунча рус мақолларда деярли учрамайди. Инглиз маданиятига кўра, инсоннинг пули бўлса, пулни тўғри сарф қилишни ҳам билиш керак. Мисол учун, *riches abuse them who know*

not how to use them. (рус тар. богатство злоупотребляет теми, кто не знает, как его использовать; ўзб.тар: бойликни тўғри таксилай олмайдиган инсонларни бойлик ўз мақсадида улардан фойдаланади); *rich in Gold, rich in care.* (рус. тар. богатство в золоте, богатство в заботе; ўзб.тар: бойлик олтин билан, бойлик ғамхўрлик билан); *moderate riches will carry you* (рус тар. умеренное богатство во благо; ўзб.тар: ўртача бойлик яхшиликка); *if you have more you must carry them* (рус тар. если вы имеете много, вы должны нести это; ўзб.тар: агар сизда бойлик кўп бўлса, сиз уни олиб кетишингиз шарт). Инглиз ҳамда рус маданиятида бойликка нисбатан муносабат фарқли жиҳатларини мақоллар мисолида кўриб чикдик, рус мақолларда бойлик кўпроқ салбий манзарани ҳосил қилса, инглизларда аксинча бойлик, пул бу -қудрат, масъулият каби тушунчаларни ифодалайди, ўзбек маданиятида эса ҳар икки маданиятдаги каби ҳам салбий, ҳам ижобий баъзи мисолларда эса нейтрал маънога эга бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар ва интернет ҳаволалар:

1. Шаҳриёр Сафаров, Когнитив тилшунослик, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Самарқанд давлат чет тиллар институти, «Сангзор» нашриёти, Жиззах – 2006, бб 15-17
2. Грачева Е.А. Анализ концепта «богатство» на материале русскоязычных и англоязычных пословиц и поговорок Язык и текст langpsy.ru 2017. Том 4. № 3. С. 129-138. doi: 10.17759/langt.2017040313
3. Grigor'eva A. 1000 russkih i anglijskih poslovic i pogovorok. 2010. Izdatel'skij dom AST, s. 11
4. Dal' V.I. Poslovicey russkogo naroda. M: Hudozhestvennaya literatura 1979, 2-e izdanie, s. 8 - 72
5. <https://ziyouz.uz>
6. <https://maqollar.uz>